МУАЛЛИФНИНГ ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИ ВАҚТИ

Б.Б.Тўраева

Мақолада “муаллиф вақти” тушунчаси, унинг бадиий вақт тизимидаги ўрни масаласи тарихий романлар – “Улуғбек хазинаси” (О.Ёқубов) ва “Юлдузли тунлар” (П.Қодиров)нинг яратилиш жараёнига оид фактлар ва бу ҳақда адибларнинг ўзлари берган маълумотлар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *ижодий ният, муаллиф вақти (замони), тарихий роман, хронотоп, сюжет вақти, қаҳрамон вақти.*

В статье сущность понятия “авторское время” и его место в системе художественного времени рассматриваются на примере фактов и авторских свидетельств, относящихся к истории создания романов “Сокровища Улугбека” (А.Якубов) и “Бабур” (П.Кадыров).

Ключевые слова: *творческий замысел, авторское время, исторический роман, хронотоп, сюжетное время, время героя.*

In this article on the basis of the novels ‘Ulugbek’s Treasure’ by O. Yoqubov and ‘Starful Nights’ by P. Qodirov the author tries to describe the notion ‘the author’s time’ and its place in the system of literal time.

Key words*: creative idea, author’s time, historical novel, chronotop, time of the events, the hero’s time.*

Ижод деганда шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ё маънавий оламни инсоннинг эҳтиёжлари, мақсад-истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади. Ижод кенг маънода субъект (алоҳида шахс, ижтимоий табақа, жамият)нинг объект (бутун атроф-муҳит ёки унинг озми-кўпми ажратиб олинган алоҳида бўлаги)га фаол, изчил таъсиридир. Бу жараёнда субъект ўзини қуршаган муҳитни ўзгартиради, шу пайтгача кўрилмаган, билинмаган, ўрганилмаган, ғаройиб ва жозибали янгиликларни яратади, кашф этади [10.5]. Ижодий жараёнда шахс ҳам дунёни ўзгартиради, ҳам ўзини яратувчи, ижодкор сифатида англайди. Ижод – бу шахснинг туб хусусияти, унинг имманент хоссасидир: шахснинг қобилияти ва кўникмасининг ривожланиш даражаси, шунингдек, унинг ижтимоийлашганлик даражаси ижодий-бунёдкорлик фаоллиги билан белгиланади.

“Ижод қилиш қобилияти табиатнинг буюк эҳсонидир, санъаткор руҳидаги ижодий жараён буюк сиру асрордир, ижод лаҳзалари буюк маросимдир”, – деган эди Белинский [1.65].

Муаллиф вақти моҳиятан ижод вақтидир. Ижод психологияси – универсал қамровларда ниҳоятда кенг тушунча. Санъат асарининг яратилиш жараёни ижодий тасаввур, бадиий-поэтик тафаккур, ички ботиний сезги (интуиция), илҳом ва изчил олиб борилган меҳнат билан боғлиқ.

Бадиий ижод жараёнининг ўзига хослиги шундаки, санъаткор ижодий ниятиданоқ ўқувчига муайян таъсир қилишни кўзда тутади, яъни мақсад ижрога таъсир қилади, ният ва ижро бирлашади. Демак, муаллиф нияти билан унинг ижроси, ижод мотиви билан мақсадининг бирлиги бадиий ижод жараёнини яхлит, бутун ҳодисага айлантиради [9.109]. Айнан шу вақтда ижод психологиясининг ботиний сирли “саҳна”сида бадиий асар ўз яратилиш жараёни (тарихи) билан тегишли адабий жанрда “туғилади”. *Бадиий асар – адабиётга, санъатга, жараён – муаллиф-ижодкорга тааллуқли*. Илҳомнинг ҳайратланарли сирли мақоми шундаки, бадиий асар ҳам, ижод жараёни – психологияси ҳам айни муаллифникидир. Муаллиф бадиий оламини яратажак асарининг ижодий режаси ва илҳом жараёнининг ўзаро муносабати вақтида яратади, шу оралиқ вақт ҳамда унинг оламида “яшаганича”, ёзаётган асарининг ботиний “дунё”сига кириб, уни ўзининг поэтик олами вақтига айлантиради. Бошқача айтганда, ижод психологиясининг ўз ҳолича объектив жараёни вақтига ўзининг ғоявий, композициявий ва мазмуний мураккаб вазифалари билан муаллифнинг субъектив вақти кириб келади. Муаллиф вақти аслида ижодий ниятнинг туғилиши, илҳомий муқаррар ҳолатга айланиши, унинг ботиний ижодий жараёнлари ва ниҳоят, ният-ғоянинг бадиий-эстетик шакл ҳамда мундарижада жанрий яхлитликда адабий асарга айланиш вақтигача бўлган ҳам миқдорий ва ҳам сифат томонларини ўзида мужассамлаштиради.

Академик А.М.Левидов “Автор – образ – китобхон” номли тадқиқотида субъектив ва объектив категорияларнинг диалектикасини бадиий адабиётда, рассомликда, музикада, актёрлик санъатида қандай мужассамлашишини ёритар экан, бу диалектик қарама-қаршилик асосида қуйидаги уч ҳолатни қайд қилади:

1. Муаллиф ўзини бермаслиги мумкин эмас.
2. Муаллиф ўзини беришга мажбур.
3. Муаллиф ўзини бермаслиги керак (“ўлиши шарт”) [4.86].

“Она чақалоқни қорнида пайдо бўлишидан то ой-куни етгунча сақлаганидек, санъаткор ҳам ўзида поэтик фикрнинг уруғи (ҳомиласи)ни пайдо қилади, ой-куни тўлгунча сақлайди; ижод жараёни бола туғиш жараёнига монанддир ва бу жисмоний ҳодисанинг маънавий азоблари санъаткор учун бегона эмас (В.Г. Белинский). Режанинг пайдо бўлиш вақтида муаллиф қалбида туғён бошланиши, бу ҳолат зўр куч билан тез ривожланиши натижасида бирдан одатдаги нарсалар портлаб, парчаланиб кетгандай ва унинг парчалари янги-янги образларга айлана бошлангандай бўлади...” (Л.Леонов) [4.45].

Ижодкор ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиб, ўз бадиий оламини яратади. Асарида хилма-хил муаммоларни қўяди ва ҳал қилади, кўрган-билганлари ва шахсий тажрибаси, кечинма ва таассуротлари асосида ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантиради. “Ёзувчи бирор ҳодисага ўқувчида муҳаббат ёки нафрат ҳисси қўзғотиши учун аввало ўша ҳис ўзида бўлиши керак, – дейди Абдулла Қаҳҳор. – Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди.

Хуллас, ички дард кишининг қалбини емириб юборади. Бундай вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди, ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш хоҳиши кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради. Бас, маълум бўладики, илҳом келгани ёзувчининг тўлиқ ҳис қилгани, илҳом келмагани ёзувчининг ҳали ҳис қилмагани бўлади” [5.50].

Қаҳрамон шахсиятини инсоний ҳис-туйғу ва кечинмалари, ютуқ ва йўқотишлари, баркамоллик ва етукликка интилиши, ҳақиқат учун кураши ва орзу-истакларини қамраган ҳолда моҳирона тасвирлаш, элга манзур бўлгудек бадиият яратиш фақат ҳақиқий санъаткорларгагина хосдир. Зеро, “Ижод – буюк сир, шунинг билан юксак бахтдир. Ижод инсон ҳаётидаги энг сирли, жумбоқли, тўлқинлантирадиган, ҳозирги кун учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир” [3.152].

Муаллиф вақти ва унинг асарда иштирок этиш вақтига ҳамда қаҳрамонларига муносабатини “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё” ва “Юлдузли тунлар” романларининг ёзилиш тарихлари, сабаб-вақтлари мисолида аниқ тасаввур қилса бўлади.

“Улуғбек хазинаси” ва “Юлдузли тунлар” романлари учун характерли бўлган энг муҳим хусусият шуки, уларда XV ва XVI аср бошлари тарихий шароити ҳаққоний тасвир этилади ҳамда шу тарихий шароитда яшаган буюк зотларнинг мураккаб руҳий кечинмаларга, драматик воқеаларга бой ҳаёт йўли чизиб берилади [2.17]. Мустабид тузум пайтида, динимиз ва улуғ алломаларимиз шафқатсиз қораланган бир даврда улар ҳақида тарихий асарларни ёзиш, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Бобур каби бобокалонларимизнинг образларини яратиш буюк жасорат эди.

Албатта, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Бобур даҳоларининг салобати, қудрати, буюклиги олдида О.Ёқубов ва П.Қодировдек мумтоз адиблар қай руҳий ҳолатда бўлишганини тасаввур қилса бўлади. Ҳар икки ёзувчи буюк олим ва буюк шоирлик баробарида, аввало, подшоҳ бўлмиш Улуғбек ҳамда Бобур қудратларидан истиҳола қилишган, уларнинг улуғлиги қаршисида довдираб қолишган бўлишлари ажаб эмас. Ижод психологияси ижодий ниятнинг туғилиш вақтидан то унинг роман шаклидаги жанрий ечими вақтигача бўлган мураккаб қамровлар стихиясида узлуксизлашади. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг руҳий олами, қалбида кечаётган туйғуларини, онгида чарх ураётган фикр-ўйлар мантиғини аниқ ва чуқур ҳис этмаса, характерлар руҳияти тасвирида китобхон ўй-хаёлларини ўзига тамоман банд этадиган асар яратa олмайди.

“Улуғбек хазинаси” романи билан боғлиқ ижод психологияси, жумладан, муаллиф вақти ўзига хосдир. Одил Ёқубов Улуғбекка ҳамдард, ҳамнафас бўлиб, тўрт йил унинг ҳаётини яшади. “*Ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди: “ўша кезлар, – деб эслайди муаллиф, – “Диёнат” (роман – Б.Т.) устида ишлаётган эдим. Етмиш бет ёзгач, иш юришмай қолди. Боши берк кўчага кириб қолдим. Худди шундай кунларнинг бирида кечаси туш кўриб, босинқираб уйғондим. Тушимда Жаҳонгир Амир Темур оқ тулпорда, қилич яланғочлаб, устимга бостириб келди! “Қачонгача ғафлат босиб ётасан? Ўтган салафларинг ҳақида сен ёзмасанг, ким ёзади”, – дея ғазаб қилди!”.*

Айнан ана шу туш “Улуғбек хазинаси”нинг ёзилишига, демак, ижодий ниятга, муаллиф вақти ибтидосига сабаб бўлди.

“*Нимага десангиз, туш кўргач, ҳолим ўзгариб, бир бошқача бўлиб юрдим, - деб эслайди ёзувчи ўша кунлардаги ҳолатини. – Худди шу кунларда “Неделя” газетасида Ираклий Андронниковнинг қимматли бир мақоласи чоп этилди, унда олим Мирзо Улуғбек ҳақида ҳикоя қилган, улуғ бобомизнинг мислсиз кашфиётлари билан бирга, унинг ноёб кутубхонаси, алломага хиёнат содир этилган тангу тор дамларда ўша кутубхонадаги нодир китоблар қайсидир ғорга яшириб улгурилгани ҳақида фикр юритган эди. Шуни ўқигач, буткул тинчимни йўқотдим. Нур билан зулмат ўртасидаги кураш ғоят кескин тус олган ўша оғир ва мураккаб давр, тарихнинг чигал бурилиш нуқтаси, қоп-қоронғи иқлимни ёритиб турган Улуғбек сиймоси хаёлимни банд этди. Кўпдан-кўп қўлёзма ва тарихий асарларни, хусусан, Шайх аканинг “Мирзо Улуғбек” фожиасини қайта-қайта ўқиб чиқдим”.*

Хуллас, қисмати чигалдан-чигал мутафаккир ва тождор ҳақида бир асар ёзмоққа чоғландим. Мени шунга ундаган армону ҳасрат жуда кўп эди...

...Улуғ бобомиз ҳаётидан хабардор бўлган қанча олимлар, мунажжимлар билан суҳбатлашдим. Кейин Самарқандга бориб, Улуғбекнинг изи қолган жойларни зиёрат қилдим. Кечалари қадим расадхонада юлдузларга термулиб ётиб, ҳасратли ўйларга ғарқ бўлдим... Бу муаззам шаҳарнинг шавкатли ўтмишини хаёлан тиклашга уриндим, унинг таназзули, тушкун ва мотамсаро кунлари ва бунинг замирида ётган сир-синоатни англаб етишга ҳаракат қилдим.

Кечмиш тарихни ўрганган сари шуни англаб етдимки, ҳаммаси биз ўйлагандек эмас, тангри улуғ тақдирларни бежиз яратмайди...”

Бутун ҳаётини нурли ишларга, олам сирларини ўрганишга бағишлаган мутафаккирнинг аянчли ўлимга ўз ўғли томонидан гирифтор этилиши – тенгсиз сиймонинг фожиаси, умуман, *“ота-боболаримиз ўз юрагидан ўтказган чийратма мусибат”* адибни тинч қўймади. Роман бир ярим

йил ичида ёзиб тугатилган бўлса-да, лекин муаллиф, ўзининг эътирофича, Улуғбекка ҳамдард, ҳамнафас бўлиб, тўрт йил (муаллифнинг ҳам жисмоний ва ҳам ижодий вақти) унинг ҳаётини яшади.

Гап шундаки, романнинг дастлабки вариантидан муаллиф ботинан қониқиш ҳосил қилмаган, боз устига, қўлёзмани ўқиган тарихчи олимлардан ҳам кўплаб саволлар ёғилган эди. Улардан, ёзувчи наздида, қуйидагилари анча-мунча асослидек туюлди: қаҳрамон яшаган замон – даврнинг ичига тўлиқ киролмаслик; ўрта асрга хос тилни бера олмаганлик ва б.

Ана шу ижод психологиясигагина хос илҳомий ҳолат-кечинишлар муаллифни романни ташлаб қўйишга мажбурлади. Лекин Улуғбек хаёли адиб тинчини олиб бўлган эди: "*Қуръони Каримни қайта-қайта хатм этдим, – дея эслайди адиб. – Ва янгича бир руҳ буткул бошқа куч-қувват билан яна "Хазина"га ("Улуғбек хазинаси" романи – Б.Т.) қайтдим. Гарчи асарнинг тузилиши унча ўзгармаган бўлса-да, мазмун-моҳияти, шунга яраша воқеалар оқими янада кескин тус олди. Воқеалар оқимини бир нуқтага йиғдим. Шу руҳда уни бошдан-оёқ қайта ёздим, кейин яна бир кўриб чиқдим".* Аллоҳ таоло огоҳлик фазилатини берган аллома коинот сирларини, демак, қисматини ҳам олдиндан билган, ўз ҳаётига, жамият ҳаётига таҳдид солиб турган хавфни олдиндан кўрган, буни чидам ва илм-маърифат билан енгиб ўтиш мумкин деган ишонч билан яшаган, шу йўлда собит турган темирчининг сандонидай саботли ва матонатли бўлган Мирзо Улуғбекка ҳамдард, ҳамнафас бўлиб, тўрт йил унинг ҳаёти билан яшаган муаллиф – Одил Ёқубов қалби хазинасидан донгдор насрий қўшиқ бўлиб "Улуғбек хазинаси" яралди.

Профессор М.Қўшжонов ёзувчининг ижод психологиясини шундай баҳолайди: *"Одил Ёқубов Улуғбек фожиасини, Али Қушчи шижоатини, Абдулатиф хоинлигини, мавлоно Муҳиддин сотқинлигини психологик асосда кўрсатадиган воқеаларни макон жиҳатидан ҳам, замон жиҳатидан ҳам фокусга, характер ва воқеаларни катталаштириб, бўрттириб кўрсатадиган кўзгуга солгандек, бир ерга жамғара олади. Китобхон тасвирланаётган замон руҳини, маълум бир даврдаги тарихий фожиани, поклик ва нопоклик, самимийлик билан носамимийлик, тараққиёт билан жаҳолат орасидаги абадий зиддиятни воқеалар тасвирида англаб олади"* [8.301].

Ёзувчи ижод психологиясининг сабаб-вақт алоқасидаги бошқача кўриниши субъектив, яъни инсон омили билан боғлиқ. Биз "Юлдузли тунлар" ва "Кўҳна дунё" романларининг дунёга келиш "сабаб-вақти"ни назарда тутяпмиз.

П.Қодиров яқинларига ўтган асрнинг 70-йилларида республиканинг ўша даврдаги раҳбари Ш.Р.Рашидов ўзини ҳузурига чақириб, Бобур ҳақида тарихий роман ёзишни, энг муҳими, уни аввал рус тилида Москвада, кейин эса ўзбек тилида Тошкентда чоп этиш таклифини берганлигини бот-бот таъкидлар эди (романнинг аввал Москвада, сўнг Тошкентда чоп этилгани ёзувчини ўтган асрнинг 80-йиллари партиявий тазйиқдан, жазодан омон сақлаб қолди). Ёзувчи романни ёзиш ниятидан то унга сўнгги нуқта қўйилгунча (аслида ижод жараёни "Авлодлар довони" романини ёзиш жараёнигача қарийб йигирма йилдан ортиқ вақтга чўзилди) ижод вақтида кечинди ва яшади.

Бунинг ижодий бошқа исботини О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романи тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин: *"Қайси бир халқ ўз ўтмишини, келиб чиқиш тарихини, зотини, насл-насабини билишни истамайди, дейсиз,* - деб хотирлайди кейинчалик муаллиф. – *Мен Ибн Сино билан Абу Райҳон Беруний каби қомусий алломалар ҳақида асар ёзишга журъат этдим". Ёзувчи журъатининг сабаб-вақтига асос эса аслида қуйидагича бўлган эди: "1979 йил охири, – эслайди О.Ёқубов. – Кеча Абдулла (Абдулла Орипов – Б.Т.) билан мени шахсан Шароф Рашидов қабул қилган! Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино туғилган кунининг минг йиллигини нишонлашга рухсат олибди. Бу улуғ зот туғилиб ўсган Афшонада кўркам бир шаҳарча бунёд этилар экан. Шу муносабат билан, – деди Рашидов, "Одил, Сиз "Хазина"дай бир етук роман, Сиз эса, Абдулла ўлмас бир достон ёзиб берасиз. Бунинг учун нима ёрдам керак бўлса, мен тайёрман! Одил, Сизга маслаҳатим, – деди Рашидов, – аввал Бухорога бориб келинг, алломанинг ёшлиги ўтган жойларни кўриб-айланиб, шу тўйдан белги берувчи кўркам бир мақола ёзинг...".* "Кўҳна дунё" романи ҳамда "Ҳаким ва ажал" достони (А.Орипов) – кўркам асарлар ана шу тахлитда ёзилди. Шароф Рашидов ўз таклифи-ғояси билан О.Ёқубовнинг "Кўҳна дунё"си каби мазкур роман ҳамда достон мисолида ўзига хос рамзий "муаллифдош"га, шу асарларнинг ёзилиши сабаб-вақти тимсолига айланди, аниқроғи, шу вақтни муаллиф вақтига айлантирган сабаб-оқибат кишисига айланди. Тўғри, "муаллифдош" ўз таклиф-ғояси билан рамзий мақомдагина шартли бўлганидек, унинг вақти ҳам шартли-рамзий бўлиб, моҳиятан муаллиф вақтида ижодий ниятнинг туғилиши ҳамда бадиий яхлит асар сифатида эстетик тўлиқ

“шаклланиши”, яъни тугаши – ечим вақтигача давом этади, алал-оқибат муаллиф вақтига айланиб бўлади. Демак, муаллиф вақти шу кўриниши жиҳатидан ҳам мавҳум ҳодиса эмас, балки аниқ ибтидо ва интиҳога эга тугал вақтдан иборат яхлит ижод психологияси вақтидир.

“Мен талабалик йилларимдан бери, қирқ йилдирки, “Бобурнома”ни қўлдан қўймайман. Бобурнинг қадамжоларини бориб кўришга интилдим, Ҳиндистон, Покистон бўйлаб сайр қилдим, шуларнинг ҳаммасидан хулоса шуки, ҳануз бизга Бобурни жозибали қилиб кўрсатаётган томони унинг олижаноб инсоний фазилатлари ва ноёб истеъдодидир” [6.2]. Пиримқул Қодиров романни ёзиш вақтида Бобур ҳаёти билан яшади ва ўша давр воқеалари тасвирланган тарихий асарларни диққат билан ўрганди. Бу ҳақда муаллиф шундай дейди: *“...Рассомлар қадимги замонлардан қолган суякларга қараб уларнинг этини ўзларича тасаввур қилиб, ҳақиқатга тўғри келадиган расмлар чизадилар. Мен ҳам асосан шу йўлдан бордим. Аслига содиқлик жиҳатидан романда тарихий ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Лекин тирик вужудда қуруқ суякдан кўра эт оғирроқ бўлишини биласиз. Шунга ўхшаб, бу романда ҳам фактдан кўра тасаввур маҳсулининг салмоғи ортиқроқ, деб ўйлайман”* [7.223].

Ижод психологиясининг сеҳрли жараёнлари муаллифнинг вақти шаклида ана шу тарз сирли узлуксизликда фавқулодда мазмундорлик, эстетик самарадорлик касб этади. Шу маънода муаллиф вақтининг ўзи ижод психологияси “ботини”да яратувчи – бунёдкор вақт – соф ижод вақтидан йўғрилган категориягина эмас, балки яхлит системадир. Ижод вақти, ижод психологияси вақти муаллиф вақти мақомида моҳиятан ҳам, мантиқан ҳам, мундарижа жиҳатдан ҳам гносеологик мутлақо яхлит тизим – квинтэссенция, яъни бадиий вақт системаси ичра ўзи система бўлган адабий-эстетик ҳодисага айланади.

Асарнинг мавзу ва жанрий хусусиятига қараб муаллиф вақти ҳар хил кечади. Бадиий тўқимадан иборат асарларда муаллиф ўз вақтида эркин бўлади. Тарихий асарларда бундай эркинлик чекланган бўлади. Муаллиф ғоявий ниятидан келиб чиққан ҳолда, тарихий вақтни онгли чеклайди, уни бадиий вақтга (бизнинг мисолимизда роман вақтига), яъни ўз вақтига айлантиради. Ижодий аниқ натижа – самара вақтига ана шу тарзда эришилади.

Таҳлилимиздаги тарихий асарлар роман вақти тизимида муаллиф вақтининг ижодий-эстетик универсалликдаги устуворлиги юқорида таъкидланган шаклларда яхлит мундарижада намоён бўлади. Бунинг илмий асоси шундаки, тарихий романларда муаллиф ўзининг ҳозирги замонидан туриб, ўтган замонга мурожаат қилади, мозий воқеа-ҳодисалари ҳамда тарихий реал шахслар ҳаёти ва қисматларини ижодий (инсоний ҳам!) кечинади, ўз ҳозиридан ўтмишга “кўчиб”, шу ҳаёт ва тақдирлар билан параллелликда нафас олади, адабий қаҳрамонлари вақтида яшайди. Зеро, ижод психологияси ва унинг сирли, сеҳрли вақти аслида муаллиф вақтидир.

Адабиётлар:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. (Тўлдирилган қайта нашри) – Т.: Ўзбекистон, 2001.– 557 б.

2. Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадиий талқини. (“Юлдузли тунлар” романи мисолида). Филолология фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1999. – 128 б.

3. Рахимов И., Ўтамуродов А. Ижод фалсафаси // Фанларнинг фалсафий масалалари. – Т.: Университет, 2005. – 291 б.

4. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 120 б.

5. Қаҳҳор А. Асарлар. 5-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 228 б.

6. Қодиров П. Тил, тарих, муҳаббат // Ёшлик. – 1989.- №5.– Б. 2–14.

7. Қодиров П. Изланиш қувончи ва ташвишлари // Шарқ юлдузи.- 1980.- №2. – Б.216–224.

8. Қўшжонов М. Бадиият қонуниятлари. Сайланма. 2 т. 1-том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 384 б.

9. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2013. – 406 б.

10. http://www.faylasuf.uz

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
2015 йил 20 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Э.Худойбердиев)